

Мол тўплаш ва уни сарф қилиш юксак фаросатни талаб қилади



МОЛ ТЎПЛАШ ВА УНИ САРФ ҚИЛИШ
ЮКСАК ФАРОСАТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

12:15 / 09.03.2022 3006

Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Билол розияллоҳу анҳунинг ёнига кирдилар. Ва Ҳазрати Билол бир идишга хурмо йиғиб қўйганини кўрдилар. Шунда: «Эй Билол бу нима?» деб сўрадилар. «Меҳмонларизнгизга ғамлаб қўйдим», дедилар Билол розияллоҳу анҳу. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Эй Билол! Бу йиққан молингда дўзах оловидан тутун бўлишини хоҳлайсанми. Буларнинг барчасини нафақа қилиб юбор» дедилар.

Имом Баззор ва Табароний ривояти.

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ҳатто эртанги кун нафақасини ҳам ғамлаб қўйишни ёқтирмас эдилар. Нафақа қилиш учун бўлса ҳам молини ғамлаб қўйиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан эмас эди. Чунки Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам таваккулнинг энг юқори нуқтасида эдилар. Бирор бир киши бу борада ул зотга тенг келолмаган. Саҳобалар орасида бу борада Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга ўхшаганлари бор эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу шундай зотлардан эдилар.

Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизга садақа қилишни амр қилдилар. Ўша пайтда менинг

молим кўпроқ эди. Мен дедимки: «Бугун энди бу мусобақада Абу Бакрдан ўзиб кетаман» дедим. Молимни ярмини олиб келдим. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳлингга нима қолдирдинг» деб сўрадилар. Шунда мен: «Молимнинг ярмини қолдирдим» деб жавоб бердим. Шунда Абу Бакр Сиддиқ ҳам молларини олиб келдилар. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам: «Аҳлингизга нима қолдирдингиз» деб Абу Бакр Сиддиқдан сўрадилар. Шунда Абу Бакр Сиддиқ: «Аҳлимга Аллоҳ ва унинг Расулини қолдирдим» дедилар. Шунда мен: «Эй Абу Бакр! Ҳеч бир ишда сиздан ўтиб кетолмас эканманда» дедим.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Лекин бу ҳолат фақатгина Пайғамбар алайҳиссаломга хос хусусият бўлган. Яъни, уммат бутун бойлигини нафақа қилишдан қайтарилади. Биринчи ўринда аҳлини таъминотини қилиб қўйишга буюрилади. Бунга мисол қилиб Табук ғазотидан қолиб кетган Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳуни оламиз. Тавбаси қабул бўлган оят нозил бўлганда Каъб ибн Молик шу қадар севиндиларки, ҳатто бутун молларини нафақа қилмоқчи бўлдилар. Шунда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: «Молингга баъзисини олиб қол. Бу ўзинг учун яхшироқдир» дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Мол тўплаш ва уни сарф қилиш ҳам юксак фаросатни талаб қилади. Тўпланган молдан қилинган ҳар қандай садақа кишига яхшилик ва саодат олиб келади. Аммо молини тўплаб на ўзи ва на бошқаларга раво кўрмаслик, жаҳолатнинг белгисидир.

Манба: mehrob.uz